



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Камолиддинов Илҳомжон Муҳаммаджанович<sup>1</sup>, Ахмедов  
Музаффар Шокиржанович<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Менежмент кафедраси катта ўқитувчи  
Наманган муҳандислик технология институти, <sup>2</sup>Наманган  
муҳандислик-технология институти, “Менежмент”  
кафедраси катта ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.5703014>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05- Noyabr 2021  
Ma'qullandi: 10- Noyabr 2021  
Chop etildi: 15- Noyabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

тадбиркор,  
тадбиркорлик,  
ресурслар, рақобат,  
менежмент, бозор,  
иқтисод, самара.

### ANNOTATSIYA

Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб  
чиқаришини модернизациялашда кичик бизнес ва хусусий  
тадбиркорликнинг ривожлантириш муаммолари, уларнинг  
ечимлари, истиқболдаги йўналишлари акс эттирилган.

### Кириш.

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим нуқталаридан бирига айланди. Унинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда тадбиркорлар, фермерлар, хунармандларнинг ўрни беқиёс. Импортни ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси, товар айланмасини кўпайтириш ва яимдаги улушини ошириш каби тармоқларининг тобора кўпайиб бораётган қисмини қамраб олади.

Шу боис мамлакатимизда қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг барча соҳаларини ҳамда турли мулк шаклидаги корхоналарни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бизга маълумки, мустақил тадбиркорлар хусусий мулкдорларнинг энг кўп қатламини ифодалайди ва оммавий характери туфайли нафақат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий ҳаётида ҳам муҳим рол ўйнайди. Хусусий тадбиркорлар ўзларининг иқтисодий мавқеи ва яшаш



шароитларига кўра жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати бўлган ўрта синфнинг асосини ташкил этади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқаришини модернизациялашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар, имтиёзлар ва преференциялар яратиш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш энг муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чоратадбирлари тўғрисида» 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4653-сон, «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарори<sup>1</sup> ҳам қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқаришини модернизациялашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш масаласига қаратилгандир.

Бугун кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама

ривожлантириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини ошириш, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш Ўзбекистоннинг дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш йўлидаги устувор вазифаларидир.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси соғлом ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқаришини модернизациялашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни доимий равишда ўрганиш ва бартараф этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу масалаларнинг илмий-методологик назарий жихатлари буюк иқтисодчилар томонидан ўрганилган. Иқтисодчи олимлардан дастлабки тадқиқотлари XVIII асрда Р. Контильон, А. Тюрго, Ф. Кене, А. Смит ва Ж.Б. Сей каби олимларнинг илмий-тадқиқотларида тадбиркорлик фаолияти ўрганилган, тадқиқ этилган. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар бўйича А.О.Блинов, М.М.Максимцев, В.Я.Горфинкел, Е.М.Купряков каби россиялик иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида мавжуд ресурслардан фойдаланиш бўйича С.С.Ғуломов, М.Р.Болтабаев, А.А.Хаджимуратов, У.В.Ғофуров, Ш.И.Мустафақулов,

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/5293707>



С.Н.Усманов, О.С.Казаков ва бошқа олимлар илмий тадқиқотларни ўтказганлар ва ривожланиш бўйича қатор йўналишлар ишлаб чиққанлар. Ушбу олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ва таклифлари иқтисодиёт ривожини таъминлашда катта таъсир кўрсатган.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бизнес ривожлантириш моҳияти ҳамда унинг самарадорлигини ошириш масалалари билан кўплаб мамлакатимиз ва хориж олимларидан Волков Д.А., Левушкин А.Н., Плотникова И.А., Умирзакова М.Н., Ф.Каримов, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев, М.С.Қосимова, Шакирова Г., Каримова Х., Тошмухаммедова Д., Ризаев Д., У.В.Ғафуровлар ва бошқа олимлар шуғулланганлар.

Бугунги иқтисодиётни рақамлаштириш ҳамда глобаллашув шароитларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини модернизациялашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш ва самарасини ошириш янада чуқурроқ тадқиқотлар ўтказишни талаб қилмоқда.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мамлакатда тадбиркорлик учун ҳар томонлама қулай ишбилармонлик муҳити ва инвестиция муҳитини яратиш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда, шу жумладан меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, кичик бизнес ва хорижий давлатлар учун яратилган имтиёз ва преференцияларнинг яхлитлигини таъминлаш мақсадида бир қатор қонун ва фармонлар ишлаб чиқилмоқда.

## **Натижа ва муҳокамалар.**

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини модернизациялашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш масалларига мустақиллик йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш, бозор тамойиллари ва бошқарув механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқлар ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Натижада, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажми жорий нархларда 580203,2 млрд. сўмни ташкил этган ва 2019 йил билан таққослаганда 1,6 % га ўсди. 2020 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган яим ҳажми жорий нархларда 16 949,1 минг сўмни (ёки 1 685,5 ақш доллари эквивалентида) ташкил этди. 2020 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида товарлар ишлаб чиқаришда 341467,5 млрд. сўм, хизматлар кўрсатиш соҳасида – 194363,5 млрд.сўм миқдоридан ялпи қўшилган қиймат яратилди. 2020 йилда саноат тармоғи қўшилган қийматида таққослама нархларда 0,7 % га ўсиш кузатилган.

Юқоридаги таҳлил натижаларига кўра, бундай ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида кузатилди. Бу каби натижаларга эришилишида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг барқарорлигини, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги



маҳсулотларини ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, маҳсулот таннархини пасайтириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш ҳисобига таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси катта таъсир кўрсатди.

Шу билан биргаликда аҳолининг бандлигини таъминлашнинг энг муҳим устувор йўналиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини модернизациялашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишдир. Ушбу муҳим вазифани ҳал этишда кичик бизнес субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида президентимизнинг қабул қилинган қарори кичик корхоналарга уй шароитида ишлайдиганлар билан кичик корхоналар ишчилари сонининг қонуний чегарасидан ошиб кетадиган миқдорда меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқини беради ҳамда кичик бизнес учун берилган кафолатлар, имтиёзлар ва имтиёзларни сақлаб қоладилар.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини модернизациялашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш бўйича муҳим, аниқ чора-тадбирларга қўйидагилар киради.

- кичик бизнеснинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун маҳаллий ҳокимият органларининг жавобгарлигини, роли ва аҳамиятини кучайтириш;

- кичик бизнеснинг янада қўллаб-қувватлашни ташкил этиш, йирик бизнес билан ҳамкорликни

ривожлантириш, бутун минтақада кичик бизнесни тарқатиш учун жавобгардир;

- қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва илғор усулларини жорий этиш.

Технологик маълумотлар иқтисодий ривожланишнинг асосига айланганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг инновацион ва технологик салоҳиятини қишлоқдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар эҳтиёжларига йўналтириш;

- кичик саноат корхоналари (шу жумладан, инновацион корхоналар) учун солиқ юқини янада камайтириш;

- саноат ишлаб чиқаришни зарур айланма маблағлар билан таъминлаш (арзон фоиз ставкалари бўйича кредитлар бериш);

- кичик саноат корхоналари маҳсулотларини сотиб олишга бўлган талабни қўллаб-қувватлаш.

### **Хулоса ва тавсиялар.**

Хулоса ўрнида шу айтиш лозимки, ушбу муаммоларни ҳал қилиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини модернизациялашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожлантириш учун туртки беради ва тегишли инвестиция муҳитини яратади, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик салоҳиятини янада ривожлантиради ва кенгайтиради ва жамиятдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшиши ҳамда мамлакатимизни барқарор ривожлантириш истиқболлигини белгилаб беради.



## Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон ““Ҳар бир оила - тадбиркор” Дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2018 й., 07/08/377/1325-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сонли “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
4. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2008. 340 с.
5. RistovskaKaterina, RistovskaAneta, Conferencepaper, “Theimpactofglobalizationonthebusiness”
6. OlimSabirovichKazakov,&IlhomMahamadjanovichKamoliddinov. (2021). SOME QUESTIONS OF INCREASE OF EFFICIENCY IN ACTIVITY ENTERPRISE SUBJECTS. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(01), 160-169. <https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue01-a24>
7. KazakovO. (2020). КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. *Архив научных исследований*, 1(2).извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3729>
8. Kazakov, O. S., &Ahmedkhodjaev, X. T. (2017). Fundamentals of management. *Tashkent, Ilm-Ziyo*.
9. Lutfulla Xabibullayevich Ubaydullayev, & Bakhtiyor Nabijanovich Dedajanov. (2021). THE DIGITAL ECONOMY: ADVANTAGES AND RISKS. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(01), 153-159. <https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue01-a23>
10. Catter III, J.J., Kidwell, R.E. (2014). Function, governance, and trust in successor leadership groups in family firms. *Journal of Family Business Strategy*, 5(3), 217-228. doi: 10.1016/j.jfbs.2013.06.001.
11. Семейный бизнес или что такое хорошо и что такое плохо // Помощь бизнесу. - <http://bishelp.ru/>
12. Chrisman, J. H., Chua, J. J., Sharma, P. (1998). Important Attributes of Successors in Family Businesses: An Exploratory Study. *Family Business Review*, 11(1), 19–34. doi: 10.1111/j.1741-6248.1998.00019.
13. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2016, – 1056 с.
14. Nabijanovich, D. B. (2019). Issues of support and stimulation of exporting enterprises and ways of their elimination. *AmericanJournalofEconomicsandBusinessManagement*, 2(3), 44-56.
15. Казаков О.С.Improving the management activity of the fruit and vegetable industry . Журнал “Theoretical & Applied Science”№ 12/ 2018interprises.





16. Казаков О.С. The Role of the Textile Industry in the Economy of Uzbekistan Журнал *Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR)* ISSN: 2249 –0892 Vol9 Issue-2, Dec - 2019
17. Kazakov O. (2020). КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ. *Архив научных исследований*, 1(2). извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3725>
18. Катъкало В.С., Панибратов А.Ю. Основы бизнеса: Учебник. –СПб.: Издат. дом С.-Претерб. гос. ун-та, 2006. – 290 с.
19. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. – 365 б.
20. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Статистик тўплам. Тошкент, 2020 й. 190 б.
21. Эндрю Харгалон. “Управление инновациями. Опыт ведущих компаний” Учебник.-М.: ООО “И.Д.Вильяма”. 2007-304с.
22. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.
23. [www.agro.uz](http://www.agro.uz) сайти маълумотлари.